
“Фарзандларни моддий таъминлаш – ота-онанинг Конституциявий бурчидир”

Фарғона вилоят прокуратураси ташаббуси билан оиласларнинг ажралишини олдини олиш, айниқса ажрим ёқасида турган эр-хотинларни яраштириш, ишсиз қарздорларни ишга жойлаштириш ҳамда бу соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида маъсул идоралар билан биргаликда “Фарзандларни моддий таъминлаш – ота-онанинг Конституциявий бурчидир” ғояси асосида барча туман-шаҳар ҳудудларда тадбирлар ташкил этилмоқда.

Навбатдаги тадбир Марғилон шаҳрида ўтказилди ва унга шаҳардаги никоҳдан ажрашган ва ажрим ёқасида турган эр-хотинлар, алимент тўловчи қарздорлар ва бошқалар жалб этилди.

Тадбирда сўзга чиқсан вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов, мутахассислар ҳамда имом хатиблар томонидан оила муқаддаслиги, оиласвий ажримларнинг салбий оқибатлари, боланинг таъминоти, таълими ва тарбияси масалалари алоҳида таъкидланиб, оиласларни тиклаш ва сақлаб қолиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида 13 та ижро ҳужжати бўйича 23,9 млн. сўм алимент пуллари ундирилиб, 17 нафар вояга етмаганларнинг ҳуқуқи тикланишига ҳамда 12 та оиласларни яраштирилишига эришилди. Ярашган оиласларга эсадалик совғалари топширилди.

Алимент пулини олишда қулайлик яратиш мақсадида ундирувчиларга 47 та банк пластик карталари тарқатилди.

Шунингдек тадбир дастурида доирасида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва мутассади ташкилотлар ҳамкорлигига шаҳардаги ишсиз фуқароларни бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари “Мехнат ярмаркаси” ҳам ташкил этилди. Унда шаҳардаги 21 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарка якунида 12 нафар ишсиз фуқаролар рўйхатга олинниб уларга шаҳардаги мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

2022-03-18 13:24:20